

**«Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг қарори**

Тошкент шаҳри
Навоий кўчаси, 38-уй.

2021 йил 30 январь
соат 10:00

«Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) томонидан муомалага чиқарилган 691 467 965 251 дона оддий эгасининг номи ёзилган хужжатсиз акция пакети Жамият ягона акциядори – «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятига тегишли бўлганлиги сабабли қворум 100 фоиз ташкил қилади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 58-моддаси ҳамда Жамият Уставига мувофиқ 2021 йилнинг 30 январь куни якка тартибда қабул қилинди ва ёзма шаклда расмийлаштирилди.

1. «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг устав фондини оддий акцияларни кўшимча чиқариш ва жойлаштириш орқали кўпайтириш тўғрисида.

Жамият ягона акциядорининг 2020 йил 20 октябрдаги қарорига мувофиқ жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича олинган соф фойданинг 42 фоизи ёки 1 459 766 280 сўм қисми Жамият устав фондига капитализация қилиш учун йўналтирилган, шунингдек, 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасининг 79 фоизи – 4 404 487 569 сўм инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этилган кредит ва қарзларни тўлашга йўналтириш шарти билан Жамиятни ривожлантиришга, кейинчалик Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтирилган.

Жамиятнинг устав фонди миқдори 691 467 965 251 сўмни ташкил этиб, 691 467 965 251 дона оддий акциялардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 18-моддасига асосан Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2000*) 14-бандида устав капиталини кўпайтириш эмитентнинг жалб қилинган инвестициялари, ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкинлиги, шунингдек, кўшимча акцияларни тақсимлаш натижасида акциядорларнинг — бутун акциялар эгаларининг касрий акциялари пайдо бўлишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Жамиятнинг устав капиталини оширишга йўналтирилган маблағлар жами 5 864 253 849 сўмни ташкил топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 41-моддасига асосан юридик шахснинг ўз капитали (мол-мулки) ҳисобига устав фонди (устав капитали) ошган тақдирда юридик шахс акциядорининг (иштирокчисининг) кўшимча акциялар қиймати (улуш номинал қийматининг ошиши) тарзида олинган даромадлари дивидендлар деб эътироф этилади. Ушбу Кодекснинг 337-моддасида дивидендлар тарзидаги даромадларга солиқ ставкаси 5 фоизда белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Жамият устав фондини ошириш Жамиятнинг хусусий капитали - 2018 йил якуни бўйича олинган соф фойдасидан 42 фоиз яъни 1 459 766 280 сўм қисми ҳамда 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасидан 79 фоиз

яъни 4 404 487 569 сўм қисми жами 5 864 253 849 сўмлик маблағларидан қонунчиликда белгиланган тартибда 293 212 692,45 сўм солиқ ушланганидан сўнг қоладиган 5 571 041 156,55 сўм ҳисобидан амалга ошириш, бунда 55 тийин миқдордаги қолдиқ сумма Жамиятнинг келгусидаги акциялар чиқарилувида устав фондидаги «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти улушини оширишга йўналтирилади.

Биринчи масала юзасидан қарор қилинди (691 467 965 251 дона овоз, 100 %):

1.1. «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг 691 467 965 251 сўм устав фондини номинал қиймати 1 (бир) сўмдан бўлган 5 571 041 156 дона умумий қиймати 5 571 041 156 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий кўшимча акцияларни чиқариш ва жойлаштириш орқали ошириш ва устав фонди миқдорини 697 039 006 407 сўмга етказилсин.

1.2. Жамият устав фондини ошириш Жамиятнинг хусусий капитали - 2018 йил якуни бўйича олинган соф фойдасидан 42 фоиз яъни 1 459 766 280 сўм қисми ҳамда 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасидан 79 фоиз яъни 4 404 487 569 сўм қисми, жами 5 864 253 849 сўмлик маблағларидан қонунчиликда белгиланган тартибда 293 212 692,45 сўм дивиденд солиғи ушланганидан сўнг қоладиган 5 571 041 156,55 сўм ҳисобидан амалга оширилсин. Бунда 55 тийин миқдордаги қолдиқ миқдор Жамиятнинг келгусидаги акциялар чиқарилувида устав фондидаги «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти улушини оширишга йўналтирилсин.

1.3. Жамият Бошқарув раисига (О.А.Курбонов) белгиланган тартибда дивиденд солиғини тўлаш юклатилсин.

2. «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг оддий акцияларини кўшимча чиқариш ва жойлаштириш шартларини белгилаш тўғрисида.

Кўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартларини белгилаш таклиф этилди.

Иккинчи масала юзасидан қарор қилинди (691 467 965 251 дона овоз, 100 %):

2.1. «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 5 571 041 156 (беш миллиард беш юз етмиш бир миллион қирқ бир минг бир юз эллик олти) дона умумий қиймати 5 571 041 156 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий, ҳужжатсиз шаклдаги кўшимча акциялари муомалага чиқарилсин.

2.2. Кўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва муомалага киритиш шартлари қўйидагича тасдиқлансин:

Акцияларни жойлаштириш усули – ушбу чиқарилишдаги акциялар 2021 йил 26 январь ҳолатига шакллантирилган «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти акциядорлари реестрида рўйхатга олинган ягона акциядор – «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятига ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади;

Акцияларни жойлаштиришнинг муддати – ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан амалга оширилади;

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси – акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган сана;

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган сана, бироқ давлат рўйхатига олинган санадан бошлаб 30 кундан ошмаслиги лозим;

Акциялар жойлаштирилишининг борасида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилмаган ҳолда жамиятнинг ягона акциядори – «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамиятига жойлаштирилади;

Акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг ташкиллаштирилмаган биржадан ташқари бозорида акцияларни олди-сотди битимлари тузилмасдан амалга оширилади;

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштириш баҳоси – ушбу чиқарилишдаги акцияларга Жамиятнинг ўз капитали ҳисобидан ҳақ тўланаётганлиги сабабли акциялар номинал қийматида, яъни 1 сўмдан жойлаштирилади.

Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби – Акциялар учун тўлов Жамиятнинг хусусий, капитали – 2018 йил якуни бўйича олинган соф фойдасидан 42 фоиз яъни 1 459 766 280 сўм қисми ҳамда 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасидан 79 фоиз яъни 4 404 487 569 сўм қисми жами 5 864 253 849 сўмлик маблағларидан қонунчиликда белгиланган тартибда 293 212 692,45 сўм дивиденд солиғи ушланганидан сўнг қоладиган 5 571 041 156,55 сўм ҳисобидан амалга оширилади. Бунда 55 тийин миқдоридаги қолдиқ миқдор Жамиятнинг келгусидаги акциялар чиқарилувида устав фондидаги «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти улушини оширишга йўналтирилади.

– ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши – Акциялар чиқарилиши умумий хажмининг 60 фоизидан кам бўлмаган қисми жойлаштирилиши лозим. Ушбу улуш жойлаштириш муддати давомида жойлаштирилмаган тақдирда акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб ҳисобланади.

– ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган асосий воситаларни қайтариш тартиби – Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган тақдирда акциялар учун тўланган маблағларнинг қайтарилиши қўйидагича амалга оширилади:

«Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамияти томонидан ушбу ҳолат тўғрисида қонунчиликда ўрнатилган тартибда муҳим фактлар ҳақидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан корпоратив ахборот ягона порталида (www.openinfo.uz) ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.uz-potash.uz) эълон қилинади. Шунингдек, ушбу чиқарилишдаги акциялар тўловига йўналтирилган маблағлар тегишли бухгалтерия ўтказмалари орқали қонунчиликда белгиланган тартибда қайтарилади.

3. «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш тўғрисида.

Жамиятнинг акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини амалдаги қонунчиликка асосан тасдиқлаш мақсадида жамиятнинг акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарори лойиҳаси тақдим этилди (*илова қилинади*).

Учинчи масала юзасидан қарор қилинди (691 467 965 251 дона овоз, 100 %):

3.1. «Дехқонобод калий заводи» акциядорлик жамиятининг акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарори иловага асосан тасдиқлансин.

3.2. Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш Жамият бошқаруви раиси О. Курбонов зиммасига юклатилсин.

**Жамиятнинг ягона акциядори
«Ўзкимёсаноат» АЖ номидан
бошқарув раиси**



Ж. Мирзамахмудов